
2022 йил 1 февралдан нималар ўзгаради?

Балиқ етиштирувчиларнинг фойда, ер ва мол-мулк солиқлари 50 фоизга [камайтирилади](#).

Давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича рейтинг жорий [қилинади](#).

Ногиронлиги бўлган шахсларни касб-хунарга ўргатиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил [этилади](#).

C1 даражадаги миллий ёки халқаро сертификатга эга рус тили фани ўқитувчиларига 2 йил давомида устама [тўланади](#).

Электрон тўлов чекларида ҳам фискал белгиларни мажбурий акс эттириш талаби [ўрнатилади](#).

Ҳокимларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари экология ва кўкаламзорлаштириш масалаларига ҳам масъул [бўлади](#).

Маҳаллий фармацевтларга маҳсулотларни хорижда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 75 фоизи қоплаб [берилади](#).

2022-01-31 10:27:15